




4.600.000

ТОННА ТАЙЁР!



ҒАЛАБАНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 229 (4688).

21
НОВАБРЬ
СЕШАНБА
1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ- НИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириб, ҳамма жойда пахтадан мўл ҳосил етиштириш, ҳосил интиришнинг уюшқонлиги билан ўтказди ва ўлуғ Октябрь Социалистик революциясининг 55 йиллиги арафасида пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажарди.

Ўзбекистон деҳқонлари СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахтакор республикаларнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган партия-хўжалик актив йиғилишида партия, ҳукумат ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга юбилей йили давлатга ҳамда 4 миллион 550 минг тонна пахта сотиш, деб ваъда берган эдилар.

Республика пахтакорлари ҳозирги кунда ўзларининг социалистик ватани учун зўр кўчон ва ифтихор туғилари билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет Хўжалик рапорт бериб, ваъданин шараф билан бажарди. мамлакатимиздаги қардош халқлар олдига ўзимизнинг интернационал бурчимизни: адо этдик, деб маълум қилди. Ватан Ўзбекистонининг 4 миллион 600 минг тоннадан зиёд-давлат планига кўзда тутилган 610 минг тонна кўп пахта олди. Шунчалик кўп миқдордаги пахта биринчи марта йиғиштириб олindi. Ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Ингичка толали пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Давлатга 200 минг тоннага яқин ингичка

толали пахта сотилди. Ана шу катта меҳнат ғалабаси қаттиқ кўраш жараёнида қўлга киртилди.

Бу йил пахтачилик учун об-ҳаво шароити жуда оғир бўлди. Баҳор фаслининг узоқ вақт салқин янганлиги, май ойида ва июнь ойининг биринчи ярмида дўл аралаш қаттиқ ёғин ёққанлиги натижасида 760 минг гектар майдондаги гўза анча зарарланди, 260 минг гектар майдонда чигит анча кечикиб қайта экилди. Ёз фасли ҳам салқин келди. Жамин самарали ҳарорат 250—350 градус кам бўлди. Буларнинг ҳаммаси гўза ривожини кечиктирди ва ҳосилнинг пишиб етилишини оғдатди. 10—12 кун орқага сурди.

Аммо пахтакорлар қийинчиликларини енгидилар. Улар гўза парваришни кучайтирдилар ва табиатнинг стихияли кучларини таъйинига бардош бериб, ҳамма жойда мўл ҳосил етиштириб, юксак натижага эришдилар—энг кўпайишган 1970—1971 йиллардан ҳам кўпроқ пахта тайёрланди.

Бу йил республика пахтачилиги тарихида энг кўп ялпи ҳосил олинган йилдан бири қаторда, энг юксак ҳосилдорликка ҳам эришилди. 1 миллион 670 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 27,6 центнердан пахта олинди. Наманган, Андижон, Қашқадарь, Сурхондарь, Хоразм областларининг пахтакорлари ва республикадаги 40 районнинг пахтакорлари гектар бошига 30 центнердан ортиқ ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. 10 райондаги қолқоз ва совхозлар эса ҳар гектар ердан 35—40 центнердан пахта олдилар.

(Давоми 2-бетда)

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қарори

1972—1973 ЙИЛ ҚИШ АСЛИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ ПАЙТИРИШ УЧУН ЧОРВАЧИЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАСТИК МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ Касаба Союзларарасий Совети қарор қилдилар:

1. 1972—1973 йил қиш фаслида қишлоқ маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш исиди илгор фермалар, бригадалар, қолхозлар, совхозлар шифалигини таъаббуси маъқулансин.

Иттифодош республикаларнинг йонетик партиялари Марказий Комитетлари, област, ўлка, о шаҳар, район партия комитетлари, иттифодош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар катталари ўлка, област, округ ва район Советларининг иш-комитетлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотли қолхозларининг, совхозлар ишчиларининг, фермалар ва йилар коллективларининг, қолхозлар, совхозлар, районлар, улар, областлар, ўлкалар, автоном ва иттифодош республикаларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ташкил тоқасидаги оммавий-сиёсий ишлари кенг миқёсда авж олди.

Белгилаб қилинсинки чорва қишлоқ муваффақиятга ўтказган ҳамда сўт, сўт, туҳум, йул ва маҳсулотларни етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан берган халқ хўжалик планларини ва мажбуриятларини бажарган юксак кўрсаткичларга эришган, шу маҳсулотларни етиш ва харид қилишнинг ўтган йилнинг шу давридаги нисбат кўпайтиришга, айни вақтда чорва тўғрисида кўпайтириш, унхўшдорлигини оширишни таъминлаган республикалар, ўлкадастлар, миллий округлар, районлар, қолхозлар, совхозлар, фермалар ва чорвачилик бригадалари Бутуниттифоқ социал мусобақасининг болиблари деб топилади.

2. Чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида болиблари мукофотлаш учун Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 300 та Қизил байроғи таъсис этилсин. Шундан:

иттифодош республикаларини мукофотлаш — 6 та Қизил байроқ ва 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача мукофоти; автоном республикалар, ўлкалар ва област мукофотлаш учун — 34 та Қизил байроқ ва 25 минг сўмдан 50 минг сўмгача пул мукофоти;

Районлар ва миллий округларини мукофотлаш — 260 та Қизил байроқ ва 5 минг сўмдан 15 минг сўмгача пул мукофоти.

3. Қолхозлар, совхозларини ва бошқа давлатликларини мукофотлаш учун СССР Қишлоқ хўжалиги министри билан қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳам-катчилиги касаба союзи Марказий Комитетининг 2000 та Қизил байроғи таъсис этилсин. Қизил байроқлар билан мукофот хўжаликларга айни вақтда СССР Қишлоқ хўжалиги министри билан шартлар асосида мукофотлар (автобўша бошқа автомашиналари) ҳам берилади.

4. Чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида болиб чиққан қолқоз ва совхозларининг меҳнатларини ҳамда бригадаларини мукофотлаш учун СССР Қишлоқ хўжалиги министри билан қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғини таъсис этиш тўғрисида тақлиф қабул қилинсин.

Фахрий ёрлиқ иттифодош ва автоном республикаларини, ўлкалар ва областларининг қишлоқ хўжалик ҳамда, союз органлари қарорига мувофиқ СССР Қишлоқ хўжалик хизматчилиги билан қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари хиз-

матчилари касаба союзи Марказий Комитети номидан берилади.

5. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида республика, ўлка, областда энг яхши кўрсаткичларга эришган фермалар билан бригадаларининг коллективлари, чорвачилик илгорлари учун республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан маънавий ва маддий рағбатлантиришнинг конкрет тадбирларини белгилаш иттифодош республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва област партия комитетларига, иттифодош ва автоном республикаларининг Министрлар Советларига, ўлка ва област икромия комитетларига, касаба союз ва қишлоқ хўжалик органларига топширилсин.

6. Чорвачилик ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунлари 1973 йил 1 июлгача бўлган аҳволга қараб, 1972 йил тўртинчи квартал ва 1973 йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичларини ҳисобга олтиб ҳолда чиқарилсин.

7. Иттифодош республикалар Коммунистик партиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва област партия комитетларига, иттифодош ва автоном республикаларининг Министрлар Советларига, ўлка ва област икромия комитетларига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг катта натижаларга эришган ҳамда 1972 йил тўртинчи квартал ва 1973 йилнинг биринчи ярми якунларига мувофиқ маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва чорва маҳсулотларини ошириш планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда меҳнат шижоати намуналарини кўрсатган чорвачилик ходимларини СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлашга тақдим этишга руҳсат берилсин.

8. Иттифодош республикалар Коммунистик партиялари Марказий Комитетларига, ўлка, област, шаҳар, район партия комитетларига, марказий ва маҳаллий газеталар ҳамда журналларига, радио эшитириш ва телевидение редакцияларига энг яхши чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида республикаларда, ўлкалар, областлар, районларда, қолқоз ва совхозларда, бригадалар фермаларда қандай давом этаётганлигини батафсил ёзиб бериб, ишлаб чиқариш илгорлари-новаторларининг таърибасини ҳар томонлама пропаганда қилиш мажбурияти юклатилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қаттиқ ишчи биларни айтидиларини, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қўшилиб, 1972—1973 йилларда сўт, сўт ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашда катта-катта муваффақиятларга эришадилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Сахнаининг чакриш Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг бешинчи сессияси 1972 йил 18 декабрда Москва шаҳрида чакриқисин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1972 йил 17, ноябрь.



ЎРТОҚ МИХАИЛ АНДРЕЕВИЧ СУСЛОВГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сизни, коммунистик партия, Совет давлатининг ва халқаро коммунистик ҳаракатининг атоқли арбобини етмиш ёшга тўлган кунингизда қизғин табриқлайдилар.

Сиз бутун фаолиятингиз давомида, партия ва давлат ишининг барча лавозимларида бутун кучингизни, билим ва катта тажрибангизни коммунистик қурилиш ишига, марксизм-ленинизмнинг буюк идеалларига фидокорона хизмат қилишга бағишлаб келмоқдасиз.

Азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Михаил Андреевич, Сизга чин кўнглимиздан узоқ умр, сийҳат-саломатлик ҳамда партиямиз ва совет халқимизнинг бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида сизнинг бундан буён ҳам самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ ЎРТОҚ М. А. СУСЛОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА ИККИНЧИ «УРОҚ ВА БОЛГА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сизни Бо-

росиянинг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Михаил Андреевич Суслов Ленин ордени ва иккинчи «Уроқ ва Болга» олтин медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1972 йил 20 ноябрь.

ОЛТИН ЮБИЛЕЙГА!



КОММУНИСТЛАР ИШБОШИ

Пойтахт области ва республикамиз пахтакорларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарганликларини эшитиб, биз оққўрғонликлар ҳам беҳад қувондик. Бу улкан хирмонда бизларнинг ҳам муносиб улушима борлиги билан фахрланамиз.

Чиндан ҳам партия ва ҳукуматимизнинг оталарча гамхўрлигидан баҳраманд бўлган районимиз пахтакорлари далаларда қаҳрамонона меҳнат қилиб катта зафар кўчдилар. Биз она-Ватанга ҳозирги кунга қадар илданган 80 минг 600 тонна уригига 95 минг 692 тоннадан анёд пахта етказиб бердик. Бу ўтган йилдаги нисбатан 8973 тонна кўндр.

Дехқончилик маданиятини тинмай юксалтира бориб, фан ютуқлари ва илгир тажрибаларини муваффақиятли қўлаган пахтакорларимиз ҳосилдорлигини ўрта ҳисобда 32,5 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар.

Машина терими соҳасида бу йил ҳам янги марралар эгалланди. Жами ҳосилнинг 74,6 процентдан кўпроги машиналарда терилди. Район бўйича ҳар бир машина билан ўртача 96 тоннадан пахта териб олинди.

Ҳар бир кишининг муваффақияти, ҳеч шубҳасиз ўша коллективдаги одамларнинг ғайратига, маҳоратига, ўша касбига бўлган меҳр-муҳаббатига ва ихлосига, шахсий намуна кўрсатиб ишлашга борилади. Белгиланган марраларни муддатидан илгари тезроқ эгаллаш, ютуқлар салмоғини кўпайтиришда эса коммунистларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Район партия комитети, бошланғич партия

С. ТОИРОВ,
Ўзбекистон КП Оққўрғон район комитетининг биринчи секретари.

ташкilotлари ўз фаолиятларида ҳамisha ана шунга амал қилиб келмоқдалар.

Биз район партия комитети бюро йиғилишлари ва пленумларида коммунистнинг бурчи ва масъулияти, бошланғич партия ташкilotларининг жанговарлик қобилиятини ошириш масаласини вақти-вақти билан муҳокама қилиб турибмиз. Қабул қилинган қарорларнинг қозғола қилиб кетмаслиги учун курашмиз. Ҳар бир колхоз, совхозда, ўша ҳўжаликнинг конкрет шароитини ҳисобга олган ҳолда мўл ҳосил етиштириш тадбирлари белгиланди. Бу тадбирларда далада ишлаётганларга маданий-маънавий шараф етказиб берилди, илгирларин рағбатлантириш, энг яхши тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида аҳамият берилди.

Айтин кирали, районимиздаги барча қишлоқ аҳли, шаҳарлик ердончилар, мактаб ўқувчилари коммунист ва номсозлар ўзларининг бурчи ва масъулиятларини тўла ҳис қилган ҳолда ишладилар. Шунинг учун ҳам об-ҳаво қийинчиликлари мардонаворлик билан енгилди. Мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳам қийинчилик юборилди.

Йиғим-терим даврида ҳам коммунистлар ишбоши, мусобақа пешқадамлари бўлдилар. Бу ўринда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозли коммунистларининг шахсий намуна кўрсатиб ишлаганликларини алоҳида қайд қилиш керак. Совхоз ҳозирга қадар 15 минг

тонна пахта топириди. «Москва» колхозли азаматлари эса областдаги эмас, ҳаётда республикада биринчи бўлиб планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. «Ленин-обод» Ҳамид Олимжон номли колхоз бошланғич партия ташкilotлари томонидан қўрилган тадбирлар ҳам самарали натижалар берди. Бу ҳўжаликларнинг партия ташкilotлари колхоз правелитлари билан бамасалаҳат ва ҳамкорликда иш олиб бориб, яхши натижаларга эришдилар. Пландан ташқари 1500—2000 тоннадан ортиқ пахта топириб, социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар.

Бизда деярли барча бригада ва звеноларга ишнинг қўзғи биланган маънавий кадрлар раҳбарлик қилмоқда. Уларнинг аксариятини коммунистлар ташкил этади. Райондаги 431 та бригадани 410 тасида ҳосилдорлик мўл-маънавий илгир бўлди, 28—35 центнерни ташкил этади.

Ҳамид Олимжон номли колхоздан коммунист Пиримжон Жумақулов, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоздан Ислом Ибасан, Свердлов номли колхоздан Хан Петро ўртоқлар бошлиқ бригадаларда тектаридан 40—50 центнерга етказиб ҳосил олинди.

Машина теримида ҳам коммунист механизаторларимизнинг алоҳида ғайрат, шикоят кўрсатганликларини қайд қилиб ўттириш уринилиди. Жумладан Эвнер Алиев, КПСХ XXIV съезди делегати Абдулатиф Сулаймонов, шунингдек, коммунистлардан Муслим Тошев, Каюм Амришоев сингари механизаторлар мавсумда ўз агрегатлари билан 200—250 тоннадан пахта тердилар.

Районимиз меҳнаткашлари СССРнинг 50 йиллик юбилейи нишонланадиган йили барча соҳалар бўйича яхши якунаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Давлатга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари топириш барча турлари бўйича йиллик планлари муддатидан илгари ошириб бажарилди. Шу кунга қадар давлатга қанов поёси топириш планни 105,7 процент, гўшт 110,7 процент, сут 125,7 процент, шол 106 процент, сабзавот 198,9 процент, мева 137,9 процент, илза 127,6 процент бажарилди. Бу маҳсулотларнинг айрим турларини тайёрлаш ва давлатга топириш давом этмоқда. Юбилей вахтасида туриб умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб самарали меҳнат қилаётган районимизнинг қўшмаишати меҳнаткашлари партия ва ҳўкуматимизнинг гамхўрлигига жавобан йил охирига қадар давлатга ана қўлаб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилганлар.

Оққўрғон республикамизнинг асосий пахтакор районидадан бири. Бизда пахтачилик кеит истибболага эга. Келгуси йили район бўйича ҳар гектар ердан олиннадиган ҳосилни 33 центнерга етказиб, янги ҳосилни 100 минг тоннага кўтариш ва унинг 80 процентини машиналарда териб олишни мўлжаллашмиз. Ана шу мақсадда зарур тадбирлар белгиланди. Барча колхоз ва совхозларда кузги-қишқи дала ишлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ақидида бўлиб ўтган VIII пленуми қарорлари асосида ташкил этилмоқда. Қолган ҳосилнинг сўнгги килограммларини йиғиб-териб олиш ва келгуси йилга тайёрларлик кўришда ҳам коммунистларимиз иборат бўлмоқдалар.

Областимиз ва республикамиз пахтакорларини оққўрғонликлар номидан улар оғинаган улкан зафарлари билан чин қалбдан табриклиямиз. Уларга сўхат-саломатлик, пахта учун курашда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳамид ГУЛОМ.

ТАСАННО

Куррани кезиб чиқиб,
Сиников боқиб кўларга,
Майноларини ўқиб
қулоқ солиб сўзларга,
Шунда бўлади аён
уч миллиард софидил инсон
Советлар Ватанга —
ун беш ҳўр чаманга
Ҳавас билан боққан
Ва орзу-тилагиди,
Хаваси юрагиди
Ишқ ўтми ёққан!
Тошкентим — Ўзбекистон
пойтахти, жаномисан,
Шариди озад гулистон,
ҳўр ҳайт каймонисан,
Кардешлар қаторида
истикбол баҳорида
Курашларда тобланган,
шарофларга қопланган,
Коммунистик дийвасан,
меҳнат, ижоднинг билан,
Ҳимнат, саботнинг билан
Гобисан, бахтирсан!
Забт билан чўнг кўл босиб
маррага етдинг омон,
Олтин тўйга муносиб
тикладинг олтин хирмон;
Янбаб турибди порлоқ
Эверестдан юксалроқ;
Нондай азиз бу олтин,
қуёшдай азгу олтин;
Унинг ҳар граммида
қўлларимиз кўри бор,
Кўларимиз кўри бор
унинг ҳар граммида;
Пахтаимиз янғироқ қўшиқ
Барча кардеш тилларда,
Бехисоб унга ошиб
Қанча-қанча элларда,
Сабабим, шу пахтада,
Ишқиди кўзгу пахтада
Муваббат чароғондир,
садоқат намойиши;
Унда Совет қудрати
кўринадиди мўкамал
Ва кўринадиди гўзал
Ўзбекистон шўхрати.
Тошкентим — она шаҳар,
Шариди яшайсан зебо,
Сендан етди хўшбаб,
тинглади тўн дунё,
Сен уйган минг-минг хирмон
худди поёнсиз карсон
Савлат билан кўзголиди,
Москвага кўл олди.
Олтин байрам тонгида
у похтагига етди,
Саломимиз элпиди
улғур карсон бонгиди!

Тошкент.



ЯНГИНЎЛ районидида Энгельс номли колхознинг Х. Бусенбеков бошлиқ звено аъзолари СССР ташкил толган кунининг шонли тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кўтиб олишга аҳд қилинган эди. Звено заршунослари йиллик пахта тайёрлаш плани ва эиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Звено бошлигининг ўзи терим агрегатиди 170 тоннадан анёд пахта терди. Суратда: Х. Бусенбеков.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАВЕРАДИ

Н. БҒРИХҲАЕВ,
Бука районидида «Ленин йўли»
колхозининг раиси.

Шу улғу айёмда чин қалбимиздан меҳнаткаш, пахта иши-қиди жон қўйдирган, пахтакорлик касбининг улғулаган азамат дехқонларимизга минг-минг та-саино дегимиз келди. Хор-ҳаманг, сирқ кам бўлмади, азия ҳамасоқлар. Эришган галбаларини муборак бўлсин.

Об-ҳаво нуқуллай келган бу йилгилик оғир шароитда хор-май-толмай меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириш гўят катта маҳоратни талаб этди. Бунга шикоят-матонат, зўр ғайрат ва ақл-идрок керак бўлди. Дехқонларимиз ана шундай мўтабар сифатларга эга бўлганликларини учун ҳам катта галабага эришдилар. Шу тўғрйлаи об-ластимизнинг ва республикамизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Тог-тоғ хирмон уйдилар.

Биз пахтакорларимизнинг улкан галабали билан фахрланамиз. Уларга ҳавасимиз келди. «Йўда кўп колхоз, совхоз, бригада, звеноларнинг иш натижалари қувончли бўлди. Буларни кўриб завқланмай, фахрланмай бўладим. Колхозимиз пахтакорлари ҳам ўз шароитига муносиб яхши натижаларга эришдилар.

Колхозимиз райондаги сал-моқли пахтакор ҳўжаликлардан бири ҳисобланади. Пахта ма-донимиз 1660 гектарни ташкил этади. Ана шу майдондан пландаги 2700 уригига 4300 тонна пахта териб олинди. Фи-додор колхозчиларимиз юбилей йилида улкан пахта хирмонига пландан ташқари 582 тонна пахта териб топирадилар. Бу бизнинг тўйга тўшамиздир...

Колхозимизда ҳар гектар ердан олиннадиган ҳосил планда-гидан 4,6 центнер ошди. Ай-рим бригада, звеноларнинг иш-лари айниқса қувончли бўлди. Дехқон Каримов бошлиқ бри-гада аъзолари ҳосилдорлигини пландагига нисбатан 11 цент-нер оширишга, ҳар гектар ер-дан 36 центнердан ҳосил олиш-га эришдилар. Робия Каримова бошлиқ бригадда эса ҳар гек-тар ердан 37 центнердан ҳосил олинди, план 143 процент қи-либ бажарилди. Муҳим Мирса-

лов, Мустаб Музаффаров, Ях-шобой Узоқов, Дехқон Нури-мов, Мардашова Жабооров, Ға-ни Одилов бошлиқ бригада аъ-золари ҳам самарали меҳнат қилиб мўл ҳосил етиштири-дилар.

Айниқса Жалил Рамазонов бошлиқ звенонинг иши ҳар ил-ҳаддан кўпларга намуна бўла-олди. Бу звенонинг 32 гектар ер-и бор, шу ерда бор йўл уч-қилиш ишлайди. Звено аъзола-рининг ҳар бири ҳисобига 42 тоннадан анёд пахта етишти-рилди. Ҳар гектар ердан олин-ган ҳосил 40 центнерга тўғри келди. Етиштирилган ҳосил-нинг деярли ҳаммаси машина-да терилди.

Умуман, колхозимизда дав-лат оморбоярига 4300 тонна пахта топирилган бўлса, шун-дан 2730 тоннаси машина бил-лан териб олинди. Мавсумда 40 та пахта териш машинаси ишлаб турди. Ўрта ҳисобда ҳар бир машина ердаида салкам 70 тоннадан пахта терилди. Биз Тошкент Даминов, Гулом Холимов, Жалил Рамазонов, Раҳмат Хантов, Худойберди Усмонов, Худойкул Қуролов, Усмонов Хайдаров сингари моҳир механизаторларимизнинг сафарлари қилган меҳнатлари-дай миннатдоримиз. Шу меха-низаторлар оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилдилар.

Бироқ пахтачилик соҳасида-ги бу ишимиз ҳақи ўзимизни тўла наоатлантирмайдик. Кўп ҳўжаликлар ҳосилдорлигиди-дан илгариллаб кетдилар. Айниқса 30—35 ва 40 цент-нердан ҳосил етиштирган кол-хозлар сонини кўпайиб борапти. Шунинг учун ҳосилдорлигини ошириш биринчи даражада ва-зифа бўлиб турибди. Бунинг учун жуда кўп ишларни смла-да оширишимиз зарур. Жумла-дан, ерларнинг мелiorатив аҳволини яхшилашимиз, келгу-си йил мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлашимиз ва шу сингари кўпгина бошқа тадбир-

ларини кўришимиз керак. Шу мақсадда ба давомиди оқсават-торлар билан 50 километр ма-софадаги зовурлар тозалаб кў-йилди.

Ҳозир колхозда қолган ҳо-силни ноуд қилмай йиғиб олиш билан бирга ерларни шудгор қилиш ҳам бошлаб юборилди. 20 та ҳайдов трактори далаларда ишлаб ту-рибди.

Юбилей йили меҳнат вахта-сида турган колхозимиз чорва-дорлари, шолчинолари ўз соҳа-лари бўйича планларини оши-риб адо этидилар. Бизнинг кол-хоз пиллачилигиди анча салмоқ-ли ўрин тутди. Пиллакорларим-из ғайрат билан меҳнат қи-либ планди 17,8 ўригига 22 тонна қимматбаҳо пилла етиш-тирдилар.

Чорвадорларимиз бу йил 241 тонна сут, 43 тонна гўшт со-тиш мажбуриятини олганлар. Ўтган ўн ойда 230 тонна сут, 38 тонна гўшт тайёрлашди. Улар ҳозир йил охиригача 260 тонна сут сотиш, ҳар си-гирдан соғиб олиннадиган сут-ни 2000 литрга етказиш учун курашмоқдалар. Умуман, ўтган йили чорвачилигидан 4800 сўм фойда олинган эди. Бу йил ун-дан кўпроқ фойда олишни кўталаймиз. Чорвачилик бизда фойда келтирадиган соҳага ай-ланган.

Колхозимизда қўрилган иш-лари ҳам олиб бориляпти. 150 бош сиғир учун механизация-лашган ойно, 80 та пахта те-риш машинаси сиғидиган те-мир-бетондан катта бостирма, колхозчилар учун 10 та уй қуриляпти. Колхоз марказида-ги 6 километр кўча асфальт қилинди.

Бўлтўр колхозчиларимиз ҳалол ва фидокорона меҳнат қилганликлари учун бир иш-қунига 6 сўм 10 тийин берил-ган эди. Бу йил уч миллион сўмга яқин даромад олинди. Шу сабабли колхозчиларга ў-ган йилгидан кам ҳақ тўлан-майди. Илимизнинг қисқача маъмуни шундан иборат, Ленин ҳали бизнинг орзу-умидларим-из, режаларимиз катта. Биз олга томон бораверамиз.

Н. Тўраев фотоси.

ЮБИЛЕЙ ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУНИНГ 20 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи ступ — бир кунда тайёрланган пахта, иккинчи ступ — мавсум бошидан бери, учинчи ступ — шу жумладан бир кунда машинада терилган, туртинчи ступ — мавсум бо-шдан бери


ОҚҚЎРҒОН 0,11 119,62 — 125,09
БЕКОВОД 0,04 110,92 0,01 105,21
ДИСКЕНТ — 110,90 — 105,34
БҒКА 0,07 106,90 — 100,68
ЯНГИНЎЛ 0,04 105,85 — 111,74
УРТА ЧИРЧИҚ — 104,48 — 105,52
ЮКОРИ ЧИРЧИҚ — 103,66 — 101,70
ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА 0,04 109,89 — 110,18

ДЕХҚОН БЎЛСАНГ — ШУДГОР ҚИЛ

20 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Қалинчи	97,1
Бустонлиқ	93,3
Ориқоникидзе	75,0
Юқори Чирчиқ	70,4
Оққўрғон	56,8
Ўрта Чирчиқ	53,5
Янгийул	48,2
Оҳангарон	45,1
Бўна	43,4
Бекобод	38,3
Область бўйича	53,6



КОЛХОЗ ШОФЕРИ

Эрталабдан қурилишда иш жадвалдан кейин ферманинг томини ёнига киришди.

— Материал етимай қолдирганга ўхшайди, — деди қурувчилар бригадаси бошлиғи Х. Ким шиферларнинг чўғини кўриб, — Яна бир машинаси бўлиб, етарди. Шу буювчи бўлини тўла қўйдан чиқарган бўларди.

— Шу пайт қурилиш майдони томон келатган юк машинаси кўринди.

— Не, ана Озанинг ўзи ҳам келиб қолди, — бригадир қувониб кетди. — Илтимос қилсак, базага бориб келармикин. Аммо, ўзи ҳам кун билан юк ташиб чарчади. Балки...

Шофер Оз Қулбеков йўқ демасди. Юк тушириб бўлинган, тезлик билан изига қайтди.

Орадан бир ярим йил, соат ўтар-ўтмас, Оз бошқариб келатган машина яна қурилиш майдонига пайдо бўлди.

— Баракалла, ука, — дедиминнатдорчилик билдирди бригадир.

Оз Қулбеков моҳир шофер. У шу қасбни танлаганидан ҳурсанд.

Мана тўрт йилларини, Юкори Чирчиқ районидан Свердловск номидаги колхозда юк машинасини ҳайдади.

Биринчи класс шофери О. Қулбеков ҳалол меҳнати туфайли оза-хўрмат қозонди. Колхоз правлениси томонидан мукофотлар билан тақдирланди.

Бу йил колхозда олиб боришга қурилишларга гишт, шифер, тахта ташиб келтиришда унинг муносиб ҳиссаси бўлди. Қад кўтарган биналарни қўриганда, у буларга меҳнати сиғирганидан ҳурсанд бўлиб қўйди.

А. АКБАРОВ.

СССРнинг 50 йиллиги юбилейига «Лазги» ансамбли ҳам муносиб соғва билан бориш учун қизгин тайёрланмоқда. Тизимсиз изланимлар. Суратда: «Лазги» ансамбли ўзбек халқ рақс-ларида бирини ижро этмоқда. Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Юбилей йилида областимизда олтига, шаҳар марказларида бешта янги тилдаги дорихоналар қурилиши мўлжалланган. Буларнинг қурилиши фойдаланишга топширилди. Ойқониде районидан 2-гашт заводида, Ойқониде, Писенет районларида янги тилдаги дорихоналар фойдаланишга топширилди. Ўш ахиринча яна қўлаб дорихоналар фойдаланишга топширилди. Буларнинг қурилиши ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, беморларни ўз вақтида дори-дармон билан таъминлаш мақсадида дориларнинг 70 проценти олдидан тайёрлаб қўйилмоқда. Бир қаторда дала шийпонларида кўча марказларида ташкил этилган. Юбилей арафасида Ангрен шаҳрида янги йирик дорихона ишга туширилди.

Реклама ва Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
12.30 да — Москва кўрсатида, ТОШКЕНТ КўРСАТИДА
17.55 Кўрсатув программаси.
Ўзбек тилида: 18.00 Ҳушқалар учун. «САНАТ ҲУНАРЛАРИ» Концерт 18.30 Ҳушқалар учун «МАШИНА ВА АЙНҚОВ» Музыкаи 18.50 — Чирчиқ пойфазал фабрикаси, татар бадий ҳаскорлик ансамблининг концерти.
19.20 «Ахборот» информатсион программаси (Ўзбек ва рус тилида). 19.40 СССРнинг 50 йиллиги олдидан. «Дўстлик йўллари» (рус тилида).
20.00 ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН МЕХНАТ ҒАЛАБАСИГА БАҒИШЛАНГАН КҮРСАТУВ.
МОСКВА КўРСАТИДА
22.00 «ВАКТ» информатсион программаси.
ТОШКЕНТ КўРСАТИДА
22.30 ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН МЕХНАТ ҒАЛАБАСИГА БАҒИШЛАНГАН КҮРСАТУВИНИНГ ДАВОМИ.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КўРСАТИДА
Ўқув программаси
Рус тилида: 11.30 10-синф. Ҳушқалар учун. АДАБИЁТ. «В. В. МАЯКОВСКИЙ ҲАЁТ САҲИФАЛАРИДА».
12.00 КИНОФИЛЬМ.
12.25 10-синф. Ҳушқалар учун. АДАБИЁТ. ОЙЕК. «ҚУЛУГ ҚОН» романида миллий-озодлик ҳаракатининг акс этиши (Ўзбек тилида).
13.00 Бадий фильм.
17.35 да Москва кўрсатида.
МОСКВА КўРСАТИДА
ТОШКЕНТ КўРСАТИДА
22.00 «СПОРТЛОТ»нинг бахтли олти рақами.
22.10 «ХОТИН-ҚИЗЛАР, СИЗЛАР УЧУН» (Ўзбек тилида).
22.30 да Москва кўрсатида.

Спортив

ФУТБОЛ ОЛАМИДА

СССР футбол чемпионати жадвалида биргина катта тўлмай қолди. Ворошиловграднинг «Заря» футболчилари билан Киевнинг динамовчилари ўртасидаги ўйиндан кейин чемпионатга яқин асалади. Бу учрашув бу йилги янги чемпионат учун аҳамиятсиз бўлса, киевликлар учун кумуш ёки бронза тақдирини ҳал қилиб беради.

Агар «Динамо» матчида ғолиб келса ёки дурасе қилса турнир жадвалининг иккинчи поғонасига кўтарилади ва кумуш медалга сазовор бўлади.

«Заря»нинг «Спартак» билан 18-ноябрда Ворошиловград шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви 1:1 ҳисобида тугади. Тўларини 66-минутда В. Кузнецов, 83-минутда Минаев киритди.

Жаҳон чемпионати тўққизинчи саралаш гуруҳида команда-ларнинг кучи тенг бўлиб қолди. Дубинда Ирландия терма командаси Франция командаси устидан 2:1 ҳисобида ғолиб келгандан кейин уч команда — СССР, Франция ва Ирландия очколари тенглашди. Бу командалар 2 тадан очкога эга. СССР билан Франция командалари тўлар исобати 2:2, Ирландия билан Франция 3:3. Гуруҳда финалга ким чиқиши 1973 йил май ойида Москвада совет футболчилари билан Франция ва Ирландия командалари ўртасидаги ўйинда ҳал бўлади.

„КУЗБАСС“ „МЕТАЛЛУРГ“ БИРИНЧИ ГРУППАДА, УЧИНЧИ ЙУЛЛАМА КИМГА ТЕҒАРКИН?

Сочи шаҳрида келаси йил мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун давogarлар ўртасида ўтказилган финал матчи ғолиблари аниқланди.

«Кузбасс» командаси Благоевскийнинг «Амур» футболчиларини 1:0 ҳисобида енгиб, 8 очко билан биринчи ўринга кўтарилди. Липецкнинг «Металлург» коллективи Рязанинг «Даугава» командаси билан 0:0 ҳисобида дурасе ўйнаб, 7 очко билан иккинчи ўринни олди. Бу нисбала команда келаси йил биринчи гуруҳда қатнашади. Учинчи гуруҳда эгаси аса Иванов-Франковскийнинг «Спартак» Рязанинг «Даугава» командалари ўртасида ўтказилган кийини кўшмиша ўйиндан кейин аниқланади.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Республикамизнинг олти шаҳри — Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Наманган, Чирчиқ ва Ошанлида ёшлар ўртасида спортнинг баскетбол, волейбол ва қўла тўли бўйича анъанавий биринчилиги ўйинлари бўлиб ўтди. Ҳамма шаҳардаги спортчиларда тошкентлик спортчиларнинг қўла бахли келди. Улар баскетбол турнирида ҳам, волейбол биринчилигида ҳам, қўла тўли баҳсида ҳам рақибларини мағлубиятга учратиб биринчи ўринга кўтарилди. Ғолиблар Бутунитифок зонал мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

МИНГ БИР ДАРДГА ДАВО

нади, механик таъсирот ҳосил қилинади.

Танамизнинг териси ва ҳар бир ички аъзосида жуда кўп миқдорда асаб нуқталари бор. Шу нуқталарга игна санчиш натижасида уларда таъсиротнинг ҳосил бўлади-да, асаб нуқтасидан олий нерв — бошмига ўтади, ниҳоят аъзоддаги шинастланган асаб тўқималари жонланади, ҳаракатга келади. Киши аъзосида бундай ўзгаришнинг ҳосил бўлиши асаб системаси билан боғлиқ бўлган касалликка қарши курашуви, аъзоларнинг фаолиятини яхшиловчи факторлардан биридир. Шунинг учун ҳам медицинада игна санчиб даволашга кейинги пайтларда алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йилнинг эрта кўнламинида игна санчиб даволаш (акунпунтура) бўйича XVI халқаро конгресси ўтказилди, унда 22 мамлакатдан 150 дан ортиқ делегат иштирок этди. Конгрессда нафақат меҳнат, балки физик, биофизик, биологлар ҳам иштирок этишди. Унда қилинган докладлар орасида аллергия, невралгия ҳамда мия оғриғи сингари касалликларда игна санчиб даволаш усулини қўллаш ҳақидаги қимматли фикрлар, кўп йиллик тажрибаларнинг анализи алоҳида ўринни эгаллайди.

Ҳозир СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг буйруғига мувофиқ Иттифоқимизнинг ҳамма жойида даволашнинг бу нодир усулининг кенг қўлланиш борисида катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, республикамизнинг махсус шифоналарида ҳам бу усулдан кенг фойдаланила бошланди.

«Ташсовет» шифонасида 1958 йилдан бундан қўлланилади. Бу давр мобайнида турли касалликлар билан оғриган 1000 дан ортиқ бемор ўз дардига шифо топди. Айниқса, бод, невралгия, неврит, бронхит астма (нафас қисни) сингари катор асаб системасига боғлиқ бўлган касалликлар билан оғриган беморлар игна санчиб даволаш натижасида соғайиб кетилди.

Даволаш усули асосан бағсизлик нуқталарга махсус, жуда илгича илгиларни санчишдан иборат. Ҳозир 700 га яқин нуқталар белгиланган. Улардан 150 дан ортиқ айниқса кенг қўлланилмоқда. Касалликнинг келиб чиқиши аниқлаб, унга таъсир қиладиган асаб нуқтасига игна санчилади ва даволаш усулининг қондаси бинасан 20—30 минутдан бир неча соатгача бемор бада-нида сақланади.

Даволаш муддати бемор нерв системасининг умумҳолатига қараб белгиланади. Баъзан 10—15 кунгача ҳар кун игна санчишга тўғри келади ва орада танасида берилиб, яна давом эттирилади.

Ўтказилган ҳар қандай манипуляциядан мақсад — организмга таъсир этишдир. Белгиланган муддатларда, бирорта сезинган ҳам Хато қилмай тўлиқ ўтказиш лозим.

Даволашнинг дастлабки куйларидан бемор ўзини яхши сеза бошлайди. Ўйқунсизлик касалликдан кутулади. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, олий асаб системаси фаолиятини нозга солиш туфайли бунга эришилган.

Яқинда 57 ёшли бемор юзи нервни музлаб, тортиқабетганидан шикоят қилиб келди. Унинг оғзи ўнг томонга қий-шайиб, бет мускуллари торти-шган эди. Юзнинг тўрт-беш нуқтасига игна санчиш натижа-сида у соғайиб кетди. Дарда чақиллиб, юртимга қолган 37 ёшли бемор жуда кўп касал-ликларда даволанган. Маълум вақтгача, бироз дарди енгил-лангану, аммо бутунлай туза-либ кетмаган. Аниқланишича,

унинг кўйичидаги нерв шинастланган. Ана шу ерга игна санчиш натижасида бемор да-волашиб, ўзи ороб қатнайдиган бўлди. Бора-бора у бутунлай соғайиб кетди.

Асаб системаси билан боғлиқ бўлган беморлардан 20 ва 30 — 40—50 ва ундан катта — ёшдан кишилардан жуда кўпчилиги биринчи ва иккинчи бе-ансаб ўзларини яхши ҳис-сиз қилишга қўйилган. Бундай қувончли ҳолини кўриб игна санчиб даволашнинг минг бир дардга даво дегини келди.

Кейинги пайтларда «Мен хитойдан келганман, игна санчиб даволовчи табибман» деб ўзларини шифокор қилиб кўрсатувчилар ҳам пайдо бўлмоқ-да. Махсус текширув ўтказмай туриб, игна санчиб даволаш қўлланиш тўғри бўлмади. Бу ишни фақат даволаш мақсади-ларидангина ўтказиш зарур. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими қарор қабул қилди. Игна сан-чиб даволаш терапиясининг ме-тодик маркази қилиб, «Ташсо-вет» шифонаси белгиланди. Шу усул билан даволашга қўл урган медицина ходимлари со-ҳода ҳозирги замон билимла-рини тўлиқ эгаллаган, унинг методикасини яхши ўзлашти-риб олган бўлишлари зарур.

Боқ ҚОСИМОВ,
«Ташсовет» шифонаси-нинг бош врач, республи-када хизмат кўрсатган врач.

ПОРТФЕЛИ ТУРИБДИ

Б. ВОЛК

Директор телефон қилиб Пломбическийни сўради. Мен Пломбическийнинг шу ўртада эканлигини, ташқарига чиқ-қанлигини, ҳатто портфели сто-лида турганини айтди.

Бир соатдан кейин директор яна қўнғирқ қилди.

— Пломбический хали кел-гани йўқ, — билдирди мен, — аммо у шу йил ўртада бўлса керак, портфели столида туриб-ди.

Тўшани овқатга чиқиш олди-дан телефон трубкасида яна директорнинг овози эшитилди.

— Пломбическийни?

— Деб қайтариб сўрадим мен, — Буфетга чиқиб кетганга ўхшай-ди. Портфели стол устида тури-бди.

Тўшанидан қайтсам телефон яна жириқлади.

— Пломбический керамми?

— Ҳа, — деди директор аса-бийланиб.

— У нафратли шу атрофда, — дедим мен ишонтариб, — Буфетда ушланиб қолганга ўх-шайди.

Соат учдан чорак ўтганда телефон яна жириқлади.

— Плом... Плом... Плом... Трубкада кимдир дулдудлар-ди. Мен директорнинг овози-дан танидим.

— Пломбический керам-ми? — дедим мен унинг муш-куллини осон қилиш учун. — Ҳа, қайтиб келди, яна чиқиб кетди. Нима? Нега айтмадинг дейсизми? У хонага кирганда

ҲАЖВИЯ

мен ташқарига чиқувдим. Ле-кин у шу яқин-атрофда, пор-тфели столида турибди.

Трубкада қандайдир илгир-ганга ўхшаган товуш эшитилди.

Иш кунни тамом бўлай де-ганда қандайдир телба одам қўнғирқ қилди.

— Портфели турибдими? — деб бақирди у трубкага.

— Нима?

— Столида портфели туриб-дими, деб сўрайдиман!

— Ҳа, — дарров масалага тушундим мен. — Ҳа, бор!

Пломбический бор!

— Ким? — ҳайрон қолди директор.

— Пломбический, — де-дим мен ҳурсанд бўлиб, — у бор.

— Портфелини? — деб сў-ради директор.

— Нима, портфель?

— Нима, Пломбический? — қайтариб сўради директор.

— Мен айтганимни, Плом-бический бор.

— Портфелини? — яна ҳа-лиги гапга қайтди директор.

— Бирор ёққа қанчага ўх-шайди, аммо шу яқин-атроф-да бўлиши керак. Пломбичес-кий бўлса столида турибди...

Бир ҳафтадан кейин дирек-тор нисбатанга жавоб берди.

Биз дурустгина дам олдик, ма-на яна нисбатанга ҳам ишга тушиб кетдик.

Бугун эрталаб яна директор телефон қилиб Пломбический-ни сўради. Мен Пломбический ташқарига чиққанини, аммо шу яқин-атрофда эканлигини, портфели столида турганини жавоб қилдим.

М. ХУДОҚУЛОВ таржимаси

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Тонг олдида



Суратда: Р. Ҳодиятова Тур-гуней ролида.

Р. Шамсуддинов фотоси.

ХИНДИСТОНДАГИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ДЕХЛИ, 20 ноябрь. (ТАСС). Хиндистон саноатини ривож-лантириш билан Ч. Субра-маням саноат министри шу йилги мақсадга яхши натижа-ларни қўллаганини таъкидла-ди. Хиндистонда саноат иш-лаб чиқариши шу йилнинг дастлабки олти ойи ичда 7,5 процент қўшди. Металлургия, химия, тўқимачилик саноати, қозғиш ишлар соҳасида яхши қўсаткичлар қўлга киритилди. Хомаш етиштириш қў-пайтирилди.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР УРНАТИЛДИ

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикаси билан Малагаш Республикаси ўз ў-рталарида дипломатия муноса-батларини ўрнатилди. Шу ҳа-ддаги қўша ахбороти Пхень-янда КХДР ҳукумати номидан — ташқи ишлар министри Хо Дам, Малагаш Республикаси ҳукумати номидан — ташқи ишлар министри Дидиё Рац-на имзоладилар.



ЛАОС БАТАНПАРВАРЛАРИНИ ҚУВВАТЛАБ

ХАНОИ, 20 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республи-касининг ташқи ишлар минис-трини баёот эълон қилди, унда Қўша Штатлар Лаосда-ги «махсус уруш»ни қучайти-раётганлигини қоралаган Мар-казий Комитетининг позицияси-ни тўла равишда қўллаб-қувват-лади.

АҚШ ва унинг шериклари Лаосда қилаётган авантюри-стик ҳарбий ҳаракатлар Лаос проблемасини «тинч йўл» билан бартараф қилишни истамаган-

ликларини кўрсатиб турибди, бундай авантюристик ҳаракат-лар Лаос батанпарварлик фрон-ти делегацияси билан Вьетнам делегацияси ўртасида ҳозирги вақтда олиб борилаётган рас-мий музокарада қийинчилик туғдирибди.

Вьетнам Демократик Респу-бликасининг ташқи ишлар ми-нистрини, миллий нажот учун ҳаққоний кураш олиб бораёт-ган қардош Лаос халқи билан Вьетнам халқи ўзининг бирдам-лигини ва жанговар ҳамкорли-гини мустаҳкамлашга маҳкам бел боғлаган деб уқдириб ўтди.

ТЕАТР

НАВОН НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ — 21/Х да Тановор, 22/Х да Чино-чио-сан.

ҲАМЗА НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/Х да Мирзо Улуғбек, 23/Х да Бой ила хизматчи.

МУКНИН НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/Х да Назой Астрообода.

КИНО

Қилин таққан авлиб — «ЎЗБЕ-КИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ-ЛИГИ» (нундуз ва нечурун), «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соат-ларда), «КОМСОМЛ 30 ЙИЛ-ЛИ» (нундуз соатларда).

Хатаба — «ТОШКЕНТ СОВЕ-ТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соат-ларда).

Аёллар ва Бертеллерлар — «ХАМЗА НОМИ» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (нундуз соатларда), «МОСКВА» (нундуз ва нечурун).

Килги ки — «САНАТ СА-РОНИ» (нундуз ва нечурун), «ЧАНКА» (нундуз соат 12, 3, неч 6 ва 9.45 минутда).

Иморок баталони — «СПУТ-НИК» (нундуз соатларда).

Кора ла — «КУКЧА» (нундуз ва нечурун).

Хиндуларнинг содиқ дўсти — НАВОН НОМИ (нундуз ва нечу-рун).

19 лар комитети — «ВОСТОК» ХАМЗА НОМИ (тоқ соатларда), (нундуз ва нечурун).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССА-ЖИРЛАРИНИ ТАШНИШ АВТО-ТРЕСТИ

автотурларда ишлаш учун III класс шофёрларини тай-ерлаш курсига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсни битириб чиққанлар Тошкент шаҳрининг пасса-жирлар ташуви мунтазам автобус маршрутларида иш билан таъминланади.

Ушбу муддати — 5 ой, ойга 60 сўмдан стипендия тўла-нади.

Курсга тўлиқсиз ўрта ва ў-рта маълумотли, ёши 21 га тулган кишилар қабул қили-нади.

Ўтоқхонага ахтиёйил бўлган-лар ётоқхона билан таъмин-ланади.

III класс шофёри касбини ағалашин истовчи кишилар куйидаги адресга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Байналиннал кўчаси, 33-уй, «Октябрь» Тошкент ша-ҳар пессажирларини ташин ав-тортести — Пролетар кўчаси, 31-уй.

1973 йил учун газета ва журналларга оуба бўлмаган барча кишиларга эслатиб ўта-микин, вақтдан нашлади

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТУГАТИЛАДИ

Кўрсатилган муддатидан сўнг оуба ёрнат февраль ва ундан кейинги айларда қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа Ми-нистрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

Ўзбекистон Компартияси Маржа-йи. Комитети нашриятининг бос-махонаси, Тошкент шаҳри.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ИНДЕКС 64697.
Р-02739. Б. 1684.